

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР – МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МЕЪМОРИ

Рухсора Ходиевна Рузиева

Ўзбекистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада буюк соҳибқирон Амир Темурнинг маънавият ва маърифат меъмори сифатида мамлакатда олиб борган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий йўналишлардаги фаолияти илмий-фалсафий таҳлил қилинади. Маърифатпарвар ҳукмдорнинг оқил мутафаккирлар, забардаст шоирлар, йирик уламоларнинг илм-маърифат йўлидаги фаолиятларига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳомийлик қилиб, мамлакатда илм-фан равнақ топишида улкан ҳисса қўшганлиги асосланиб, бугунги ёшларимиз тарбиясидаги аҳамияти кўрсатилади.

Калит сўзлар: Амир Темур, маънавий жасорат, “Темур тузуклари”, ЮНЕСКО, маданият, маънавият, фан ва маърифат, маънавий мерос, “Бобурнома”, миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихий манбалар, обидалар, инсоний фазилатлар, Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Эрон, Ироқ, Озарбай, Ҳиндистон, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз.

Бизнинг тарихимизда Амир Темурдек улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Ислом Каримов

КИРИШ

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз тарихи, урф-одати ва шу халқнинг маданий ва маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган олиму фузалолари, давлат арбоблари, алломалари бор. Халқнинг ўз тарихини билишга, ўзлигини англаб етишга интилиши юксак маънавий жасорат натижаси, шу билан биргаликда, бугуннинг алоҳида эътибор қаратмоқ лозим бўлган долзарб вазифаларидандир. Агарда ҳалқимиз тарихига чуқурроқ назар ташласак, ҳақиқатдан ҳам ўзининг бой моддий ва маънавий мероси билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса

кўшиб, дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлганига амин бўламиз. Бу эса ўз ўрнида халқимизга, айниқса, ёшларимизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Мана шундай буюк зотлардан бири Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-маънавий тараққиётига улкан ҳисса кўшган улуғ давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси, «Темур тузуклари» ва «Зафар йўли» каби асарлар муаллифи – соҳибқирон Амир Темурдир. У маърифатпарвар ҳукмдор сифатида пойтахт Самарқандда замонасининг етук табиблари, оқил мутафаккирлари, забардаст шоирлари, йирик уламоларини тўплаб, уларнинг илм-маърифат йўлидаги фаолиятларига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳомийлик қилиб, мамлакатда илм-фан равнақ топишида улкан ҳисса кўшди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Умрининг кўп қисми юришларда ўтган Амир Темур қачон она юртга қайтса, фуқароларнинг фаровонлигини ўйлаб, омборхона, шифохона, мадрасалар курдирган. Юртдаги фаровонликни ҳимоя қилиш мақсадида Самарқанд шаҳри деворларини мустаҳкамлаб, диний ва дунёвий билимлар ривожига алоҳида аҳамият берган. Соҳибқирон Амир Темур нафақат марказлашган давлат тузиб, гўзал бинолар барпо этган, балки мамлакатда иқтисод, маданият, фан, адабиёт ва санъатнинг ўсишига ҳам замин яратган. Марказий Осиё замини бу даврда илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларида камолот босқичига кўтарилган эди. Темурийлар давлатининг қудрати айниқса, меъморчиликда яна бир бор ўз ифодасини топди. Оқсарой пештоқида битилган «Қудратимизни кўрмоқ истасанг – биноларимизга боқ!» деган ёзув Темур давлатининг сиёсий вазифасини ҳам англатар эди. Амир Темур замонасининг етук ҳукмдори, тасаввуф илмининг билимдони, етук ҳуқуқшунос, ҳарбий стратегиянинг асосчиларидан эканлигини унинг ўз қўли билан ёзган «Темур тузуклари», «Таржимаи ҳол», «Васият» ва бошқа асарларидан ҳам билса бўлади. Бу асарлар бугунги кун муаммоларини ечишда катта аҳамиятга эга. Ана шундай тарихий асарлардан бири бу – миллий давлатчилигимиз тарихида чуқур из қолдирган, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган Амир Темурнинг эски ўзбек тилида ёзиб қолдирган “Тузуки Темурий” яъни “Темур тузуклари” асаридир. «Амир Темурнинг ҳаёт сирларини англаб етишда, - дейди Президентимиз Ш.Мирзиёев, - бебаҳо қўлланма бўлмиш ушбу китобда ифода этилган ғоя ва қарашлари нафақат ўз даври, балки бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бу буюк ва бетакрор сиймога

ҳар бир масалада узоқни кўзлаб, юрт манфаати, халқ фаровонлигини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатлар хос бўлган».

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Темур ва темурийлар даврида яратилган юксак маданиятни ЮНЕСКО ташкилоти ҳам бир неча бор эътироф этганлиги – Темурийлар Ренессансини халқаро миқёсда тан олинганлигини яққол исботлаб турибди. ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори Федерико Майорнинг испан элчиси Клавихо асарларидан таъсирланиб, ўша даврда яратилган меъморчилик, шеърят, техник ва илмий топқирлик – ушбу маданиятга афсонавий жаҳонгир Амир Темурнинг таъсири тўғрисидаги айтган сўзлари бежиз эмас.

Соҳибқирон Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразмдан ташқари Эрон, Ироқ, Озарбайжонни ҳамда Ҳиндистоннинг Шимолий қисмини ўз ичига олган буюк давлатга асос солиб, унда 35 йил ҳукмронлик қилди. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шаҳарлар гуллаб яшнади. Илм-фан, савдо-сотикқа эътибор кучайиши билан биргаликда меъморчилик ва ҳунармандчилик ҳам ривожланди. Соҳибқирон “Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим”, “Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим”, дея қилган ишларини эътироф этади.

Буюк сиймо Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига бағишланган асарлар, айниқса, тарихчилар Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи ахбори Таймур», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Ҳофизу Абрунинг «Зубдат ат-таворих» ва Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаас – саъдайн» каби асарлари ўша давр қадриятларини бугунги кунда тўла англаб етиш учун катта аҳамиятга моликдир.

Айниқса, Салоҳиддин Тошкандий ўзининг «Жангномаи Амир Темур Кўрагон» яъни «Темурнома» асарида Амир Темурни адолатпарвар ҳукмдор сифатида таърифлайди. У «Темур тузуклари» китоби тўғрисида шундай дейди: «Бу ўзга жанг китобларидек эмас, чунки мунда ақлга далолат қиладиган ҳикмат сўзлари кўпдур».

«Темур тузуклари» ҳақида сўз кетар экан, бу асар орқали биз соҳибқироннинг қанчалик даҳо эканлигини, салтанатини қандай йўллар билан

барпо этиб, ривожлантирганини, бутун оламга машхур қилганини гувоҳи бўламиз.

Аслида, Амир Темур фаолиятига қизиққан ҳар бир тадқиқотчи унинг ғаройиб шахс, илоҳий куч-қудрат эгаси, ақл-заковатли улуғ инсон эканлигига тан бермай иложи йўқ. Ундаги истеъдод, мамлакатнинг тараққий этишига ҳомийлик, ватанпарварлик, адолатлилик, халқига ғамхўрлик, қатъий интизом бир-бири билан қўшилиб, уйғунлашиб кетганини кўриш мумкин.

“Бобурни улуғ бобокалони Амур Темурнинг илк тадқиқотчи ва тарғиботчиларидан бири деб баҳолаш мумкин. Ўттиздан ортиқ тарихий маълумотлар, лавҳаю тасвирлар асосида Амир Темур ва Бобурнинг ўзаро муштарак томонларининг айрим жиҳатларини адиб Х.Султонов “Бобур” номли бадиасида маҳорат билан ёритиб берган бўлса, “Бобур энциклопедия”сида берилган “Амир Темур” мақоласида ҳам “Бобурнома”нинг саҳифаларидаги маълумотлар қисман акс этган. Бобуршунос олим Саидбек Ҳасанов томонидан Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйже Мано нашрлари асосида қайта нашрга тайёрланган “Бобурнома”нинг 2002 йилги нашрида илмий-танқидий матн асосида тузилган “Кишилар номлари” кўрсаткичида Бобур ўз асарда Темурбек деб ёзганидек, Темурбек номи билан ўндан ортиқ маълумот санаб кўрсатилган”.

Жамиятнинг маънавий янгилиниши даврида дунё тан олган буюк саркарда Амир Темур фаолияти ҳақиқат кўзгуси орқали ўрганилмоқда, унинг ҳаёти ва фаолиятини таҳлил қилиш орқали шундай улуғ аждодимизга нисбатан фахр ва ифтихор ҳисси ёшларимиз қалбига синдирилмоқда. Улуғ олим И.Мўминов ўзининг «Амир Темурнинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асарида ёзишича, у олим ва уламолар кенгашида шундай дейди: «Илм ва диннинг машхур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг тинчлигини таъминлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қуйилиши каби ҳоллар Сизларга ҳаммадан кўра аёндр. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф

этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлурди».

Амир Темурнинг диний ва дунёвий ишларга эътибор берганини, унинг саройида хизмат қилган Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунший, Хўжа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳаким ва бошқа кўплаб олимлар мисолида кузатиш мумкин. “Айнан Амир Темур ва унинг авлодларининг саъй-ҳаракатлари билан Самарқанд ўз даврининг энг гўзал ва обод шаҳрига, том маънода ер юзининг сайқалига айланган. Дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, машҳур дорулфунунлар – расадхона ва мадрасалар, улуғ алломалар мана шу заминда фаолият кўрсатган”.

Юқоридагилардан маълумки, буюк бобомиз Амир Темур фан ва маърифатнинг буюк ҳомийси бўлган. Биринчи Президентимиз И.Каримов айтганидек, «...тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди».

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур шахсини ўрганган кўплаб тадқиқотчилар орасида франциялик машҳур олим Люсьен Керен номи алоҳида аҳамиятга эга. Ўзининг сўнгги 40 йиллик умрини темурийлар даврини ўрганишга бағишлаган бу инсон илмий изланишлари натижасида буюк Амир Темур ҳақида кўплаб янги маълумотларни топди ва уларни европаликларга танитишда катта ҳисса қўшди”. Шунингдек, кейинги йилларда Англия, Франция, Германия, Америка Қўшма Штатларидаги тадқиқотчилар унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб китоблар ёзиб, ўз тилларида чоп этдилар. Англиялик шарқшунос олима Ҳильда Ҳукхэм, германиялик Ганс Роберт Рёмер, француз Жан Поль Рокс, америкалик Жон Вудс ва Беатриса Манс шулар жумласидан. Хорижлик драматург ва артистлар ўз театрларининг сахналарида Амир Темурнинг ёрқин образини яратдилар. Франциялик ҳайкалтарошлар унинг ҳайкалини олтиндан куйиб, музейларда намойиш қилдилар. Бундай юксак эътирофу, эътиборлар Ўзбекистон ёшларига улкан ифтихор ва ғурур бағишлайди.

Хулоса қилиб айтганда, беқиёс салоҳият соҳиби бўлган бу улуғ зот адолатга асосланган қудратли давлат барпо этди ва уни оқиллик билан бошқарди. Бунинг нафақат бизнинг халқимиз, балки дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этаётгани ҳақиқатдир. Амир Темурнинг юрт равнақи йўлидаги шижоати, юртпарварлиги, маърифатпарварлиги, қолдирган маънавий ва

маданий мероси бугунги кун ёшларининг тарбияси, баркамол шахс сифатида шаклланишида катта аҳамиятга эга. «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ»ни буюк шараф деб билган буюк бобокалонимиз адолат байроғини баланд кўтариб, умуминсоний кадриятлар тарихида ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлди. Жаҳонгиршоҳ барпо этган давлат равнақ топиб, иқтисод, савдо, маданият, илм ва фан ривожланиб, бутун дунёга ўзини кўз-кўз қилди. Бугунги кунда ҳам Амир Темур ва унинг авлодлари қолдириб кетган улкан мерос, энг аввало, тарихий сабоқлар халқимизнинг нафақат қалбини, балки йўлини ҳам ёритиб турибди. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналар курган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони Каримни ёд билган Амир Темур ўз даврида миллат дардига дармон бўлди.

Айтиш мумкинки, шахс маънавияти шаклланишида Темур ва темурийлар даври маданий кадриятлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Маънавият ва маърифат меъмори сифатида жаҳон тарихи, жумладан, Туркистон тарихи олдида у буюк зотнинг хизматлари бениҳоя катта.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бобомиз Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлик қилган Турон даври миллий ва умуминсоний кадриятлари тарихий манбалар, обидалар, инсоний фазилатларнинг шаклланишида ўз ифодасини топди. Темур ва темурийлар даврида бугунги кунда ҳам дунё халқлари томонидан эътироф этилаётган, кадриятларга асосланган буюк маданий юксалиш рўй берди. Амир Темур ва унинг авлодлари мероси бугунги янги Ўзбекистоннинг миллий маънавий юксалиши жараёнларида ёшларимизда ватанни севиш ва ардоқлаш, катталарга ҳурмат-эътибор, адолатли бўлиш, тўғри сўзлик, инсонпарварлик каби фазилатларни шакллантириб, баркамол инсон бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Мирзиев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Тошкент, Ўзбекистон, НМИУ, 2019. 253-бет.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008. 44-45-бетлар.
3. Темур тузуклари. <http://www.temurtuzuklari.uz>.
4. Амир Темур ўғитлари. Тошкент: «Ўзбекистон», 2007. 5-бет.
5. «Темурнома». Т. Чўлпон. 1990 йил. 6-7-бетлар.

6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент: Шарқ, 2014. 118–133-бетлар.
7. Ражабова Б. Алишер Навоий ижодида Амир Темурга оид маълумотлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016, 1-сон. 42–48-бетлар.
8. Ражабова Б. Амир Темурнинг ilk тадқиқотчиси. (“Бобурнома” мисолида). <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/burobiya-rajabova-amir-temurning-ilk-tadqiqotchisi-boburnoma-misolida/>
9. Мўминов И. «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» Т., «Фан», 1993 йил. 22-23-бетлар.
10. Элмуродов Б. Қалбдаги Амир Темур ёхуд Люсьен Кереннинг ўчмас ҳақиқатлари. <https://hidoyat.uz/1628>. 18 yanvar, 2019.
11. Рўзиева Р.Х. Ҳаётбахш маънавий кадриятлар. Тошкент: Алишер Навоий нашриёти, 2016. 54-55-бетлар.